

4-1-2019

ENHANCE QUALIFICATION AND PROVIDE COMPETIVENESS OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

N. Rakhmonov

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Rakhmonov, N. (2019) "ENHANCE QUALIFICATION AND PROVIDE COMPETIVENESS OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 22. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ENHANCE QUALIFICATION AND PROVIDE COMPETIVENESS OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Increasing the link between higher education institutions and the labor market through improving the quality of higher education institutions and training highly qualified personnel. It also points out that the relationship between the higher education system and the production and labor market is not yet fully developed. During the years of independence, the dynamics of the number of higher education institutions and students has been analyzed. The Strategy of Actions have been studied, as well as the implementation of the tasks envisaged in the decrees of the President of the Republic of Uzbekistan and resolutions of the Higher Education Institutions on improving the quality of education, the Bolon model's principles over improving the quality of education.

Key Words: higher education institutions, student, competitive, labor market, quality of education, system, education, bachelor degree, master's degree, highly qualified specialists

Based on world experience, accelerating the training of qualified competitive personnel, improve the quality of them, paying attention to the demand for the labor market, research and development of scientific-economic mechanisms, as well as the development of scientifically-funded approaches are implementing. The UNDP 2030 revised conceptual rehabilitation concept provides a framework for "the acceleration of training, menejing estimating the quality of the process and the introduction of the mechanisms to tackle the mechanisms of action."

In Uzbekistan, the economy of the economy is undergoing socioeconomic reform, and the willingness to rebuild the need for a more flexible education program. National Education accelerated reforms due to the fact that the training period was up to 13.7 years in 1990, this junior member 2018 was promoted to 21 years.

Higher education accelerated current status, high school education and labor market development, development of qualified personnel in the region, advanced training of qualified personnel in the field of scientific research applied in the field of action and the implementation of practical recommendations in the country were considered to be consistent with the ongoing reforms in the economy. In this regard, the President of the Republic of Uzbekistan 2018 has been studying the Paralympic Policies at the expense of education, as well as the opportunity to engage in the development of the well-being opportunities, the establishment of the universities, the creation of the latest education centers, the training of talent and the competitiveness of the foreign institute. Universities discourage co-operation, disseminate scientific knowledge of adult pedagogical science, research scientifically and scientific-teaching staff. The work of the 2019/2020 has been emphasized by the local population, with 15 percent of the total population of 20 percent, and one of the key objectives of the project. In the 2030s, the population of the country was estimated to be around 70 percent of the population. In the developed countries, the majority of the population in the developed countries has a 60-70% stake.

Higher education is rapidly accelerating the degree of acceleration of education. Teaching is a great opportunity for the study of the lively market of the labor market and the market.

In rural areas, education is defined as the efficacy, material and technical development (16%), resources (20%) and human factor (64%). Accelerating continuous education is consistent with the ability to simplify the economics of the economy. Higher education is a key factor in the quality of the consumer to the quality of the activity.

In the spring of 2019, the Republic of Tajikistan has a total of 99 graduates, 4 schools, 33 universities, 1 academy, 1 conservatory, 1 high school, 24 local educational establishments and 14 foreign- Lollipop is a complex of activity. This slaughterhouse was formed in 1991.

Institutions of higher education are the subjects of the education system. The education system is linked to the labor market and production through the market of higher education.

Quantity of high educational organizations increased as 53 in independence year.

Exercise of the quality of education is essential to the development of the current content and the need for training, as well as the need for professional training in the field of professional training.

In the XXI century, Bologna's eloquence in European politics was rapidly corrected. The booming insertion of the bona fide and the nationality of the nationalist, as well as the national importance of the Byzantine paradox, was basically considered.

Bolon model of quality improvement on higher education system is based on the following principles:

Reducing centralized control over academic and research activities of higher education institutions and enhancing their independence and accountability;

Presence of national, state independent higher education institutions and organization that manages higher education;

Development and use of mutually acceptable criteria and mechanisms for quality assessing and providing;

Full participation of higher education institutions in the process of evaluation;

Self-assessment of higher education institutions is prioritized and comparable to external auditor's expertise.

Competitiveness will be ensured by improving the quality of higher education institutions. Competitiveness of the higher education system is the ability to respond to the needs of the labor market and their market sales. Competitiveness of the education system is determined by comparative comparison with other similar services.

Due to the complexity of staff training, enhancing effectiveness is the result of mood stabilization and lipopractic training of specialists in the preparation of national migration training courses. *(Full article is available in Uzbek)*

Рахмонов Норим Раззакович
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
илмий тадқиқотчиси,
иқтисод фанлари номзоди

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Олий таълим муассасалари сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш орқали олий таълим муассасалари ва меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш масалалари баён этилган. Шунингдек, олий таълим тизими, ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат бозори ўртасидаги муносабатлар ҳали етарли даражада мукамал шаклланмаганлиги кўрсатилган. Мустақиллик йилларида олий таълим муассасалари ва талабалар сони динамикасидаги ўзгаришлар таҳлил этилган. Ҳаракатлар стратегиясида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга доир фармонлари ва қарорларида белгиланган вазифалар амалиётга жорий этилаётгани, таълим сифатини оширишнинг “Болон” модели тамойиллари ўрганилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасалари, талаба, рақобатбардош, меҳнат бозори, таълим сифати, тизим, таълим соҳаси бакалавриат, магистратура, юқори малакали мутахассислар

ВЫСШИЕ УЧЕБНЫЕ ЗАВЕДЕНИЯ В ЦЕЛЯХ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА И ОБЕСПЕЧЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ

Описаны вопросы повышения качества вузов и укрепления взаимосвязи между вузами и рынком труда путем подготовки конкурентоспособных кадров. Также указано то, что связь между системой высшего образования и производством и рынком труда еще не полностью развита. За годы независимости проанализирована изменения в динамике численности вузов и студентов. В стратегии действий была изучена реализация задач, предусмотренных в указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан по улучшению качества образования в высших учебных заведениях, принципы Болонской модели повышения качества образования

Ключевые слова: высшие учебные заведения, студент, конкурентоспособность, рынок труда, качество образования, система образования, бакалавриат, магистратура, высококвалифицированные специалисты.

КИРИШ

Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, уларни сифат жиҳатидан такомиллаштириш, меҳнат бозори талабларини эътиборга олиш, ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш концепциясида “таълим тизимини бошқариш, таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш механизмларини амалиётга жорий этиш” долзарб вазифа этиб белгиланди.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, “инсон капитали” дунё миллий бойлигининг 64 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо юқори даромадли мамлакатларда 70 фоиз, ўрта юқори мамлакатларда 58 фоиз, куйи даромадли мамлакатларда 41 фоизни ташкил этмоқда. Олий таълимнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири инновацион тараққиётнинг етакчи омилига айланиб бормоқда. Жаҳондаги етакчи олий таълим муассасаларининг ташкилий ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш борасидаги тажрибасидан мамлакатимиз олий таълим тизимининг сифатини бошқариш механизмида ижодий фойдаланиш таълим сиёсатини ислоҳ этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Олий таълимни ривожлантиришнинг фундаментал ва амалий жиҳатлари тўғрисида ва олий таълим муассасалари сифатини ошириш ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича узок хориж олимларидан В.М.Рутгайзер, Fisbein, Ariel va Dena Ringold, Weber, Luc, J.Dudestatdt [1]. SRHE&OU Boaden. R.j., Dale B.Gнинг “Improving higher education: Total quality care, Buckingham” (1992) олий таълим тизими кадрлари сифатини ошириш тўғрисида, “Team work in Services: Quality circles by another name?” (International Journal of Service Industry Management, Vol.17 No.3, pp. 126-136), Жане Кнайт “Таълим ҳаблари: Модами, Брендми, Инновациями?”, яқин хориж олимларидан В.А. Носков, Г.П.Сергеев, Д.И.Правдин, Е.И.Капустин, И.С.Шаршов, Л.С.Чижов, Р.И.Капелюшниковлар ўз илмий асарларида тадқиқ этилган [2]. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг ҳолати ва унинг ривожланишининг айрим жиҳатлари Г.Ахунова, Х.Г.Алимджанов, А.Вахабов, Э.Имамов, Б.Д.Кальметов, М.Х.Саидов, А.С.Кучаров, Э.А.Сейтхалилов, Ш.Қурбонов, Г.А.Қосимов, Д.Х.Набиев, Р.М. Усмонова, Ш.Ш.Захидова, А.О.Эралиев, А.Х.Эшбаевларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган [3].

Хусусан, Жане Кнайтнинг “Таълим ҳаблари: Модами, Брендми, Инновациями?” деб номланган мақоласида илгари сурган илмий қарашига кўра энг сўнги таълим тизимидаги сифат кўрсаткичларининг ривожланишларидан бири таълим ҳаблари ҳисобланади¹. “Таълим ҳаби”

¹<https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/1028315311398046>

атамаси маҳаллий ва хорижий таълим иштирокчиларининг, жумладан, талабалар, таълим муассасалари, компаниялар, илм-фан соҳалари, илм-фан ва технология марказлари каби муҳим омилларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳисобланади. Бу эса, олий таълимнинг рақобатбардошлигига, глобал бренди ва рейтинг даражаси, энг сўнгги брендининг стратегиясини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар жамиятни ижтимоий-иқтисодий қайта қуриш ва истиқболда барқарор ривожланишни таъминлаш имконини берадиган олий таълим тизимини шакллантиришни талаб этмоқда. Миллий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли таълимнинг кутилаётган давомийлик муддати 1990 йилда 13,7 йилни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 21 йилга² етказилди. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ, кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилган³.

Олий таълим тизимининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, олий таълим муассасалари ва меҳнат бозорларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, минтақаларда тайёрланаётган кадрлар таркиби, савияси, сифатининг меҳнат бозори талабларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган илмий тақлифлар ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга Мурожаатномасида олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтириш, университетлар нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш, нуфузли хорижий институт ҳамда университетлар билан ҳамкорликни кучайтириш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш, 2019/2020 ўқув йилида аҳолини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 15 фоиздан 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ушбу кўрсаткични ошириб бориш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган [4]. 2030 йилга келиб мамлакат аҳолисининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражасини 70 фоизга етказиш белгиланган⁴. Маълумки,

²www.edu.uz

³www.prezident.uz

⁴lex.uz/ru/docs/3913188?otherlang

ривожланган давлатларда аҳолини олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси 60-70 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш олий таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини ва самарадорлигини оширишга ҳамда унинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилади. Жойларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, сиртқи, махсус сиртқи ва кечки ўқув шаклларининг очилиши, қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлардан бири саналади.

Ўзбекистонда олий таълим тизимида кўп босқичли кадрлар тайёрлаш амалга оширилмоқда. Бу эса фаолияти самарали йўлга қўйилган тизимининг янада мослашувчанлигини таъминламоқда ва талабаларга унинг турли босқичларида таълим олиш имкониятини бермоқда. Кўп поғонали мутахассисларни тайёрлашга ўтиш миллий тизимни жаҳон таълим тизимига кириб боришини таъминлайди.

Иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши, билимларга асосланган ишлаб чиқаришнинг кенг жорий қилиниши сабабли, уларнинг юқори малакали олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжи ошади. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, миллий олий таълим тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Олий таълим тизими муассасалари таълим тизимининг субъекти ҳисобланади. Таълим тизими олий таълим хизматлари бозори орқали меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш билан боғланган.

Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиёти моддий-техник базасига (16%), ресурсларга (20%) ва инсон омилига (64%) боғлиқлиги аниқланган. Олий таълим тизимида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдан иборат. Олий таълим муассасаларининг сифати уни истеъмолчига кўрсатувчи таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишга боғлиқдир.

Олий таълим сифатини оширишдаги бош масала таълим мазмуни ҳозирги ишлаб чиқариш ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондириши, талабаларда таълим олиш жараёнида бўлажак мутахассислардаги муҳим касбий сифат жиҳатларини шакллантира олиши лозим.

XXI аср бошларида Европада олий таълим тизимини ислоҳ этишда етакчи ўринни Болонья жараёни эгалламоқда. Ихтиёрий қатнашув ва миллий ўзига хосликни сақлаш, шунингдек, миллий таълим тизимларининг яқинлашуви Болонья жараёнининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Таълим сифатини оширишнинг “Болон” модели қуйидаги тамойилларга асосланади:

- олий таълим муассасаларининг академик ва тадқиқот фаолиятига марказлашган назоратни қисқартириш ҳамда уларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини кенгайтириш;
- миллий, давлатдан мустақил олий таълим муассасалари ва олий таълимни бошқарувчи ташкилотнинг мавжудлиги;
- сифатни баҳоловчи ва таъминловчи ўзаро қулай мезон ва механизмларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш;
- баҳолаш жараёнида олий таълим муассасаларининг тўлақонли қатнашуви;
- олий таълим муассасасининг ўзини-ўзи баҳолаши биринчи ўринга чиқиб, ташқи аудитор экспертизаси билан қиёсий таққосланади[5].

Олий таълим тизими, ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат бозори ўртасидаги муносабатлар ҳали етарли даражада мукамал шаклланмаганлигини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

- таълим муассасалари ҳали ҳам меҳнат бозори талабидан эмас, балки ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрламоқдалар;
- тизимнинг моддий-техника базасининг талабга жавоб бермаслиги сабабли тайёрланаётган мутахассислар амалий кўникмаларининг пастлиги;
- ёшларнинг мутахассисликни танлашда бозор талабларидан эмас, балки ота-оналарининг хоҳиши ва уларнинг имкониятларидан келиб чиқаётганликлари;
- мутахассисларни тайёрлашда ишлаб чиқариш субъектларининг иштирок этиш механизмининг етарли даражада шаклланмаганлиги.

Олий таълим муассасаларининг сифатини ошириш йўли билан уларнинг рақобатбардошлиги таъминланади. Олий таълим тизимининг рақобатбардошлилиги – бу уларнинг меҳнат бозорининг талабларига жавоб бериш қобилияти ва уларнинг бозорда сотилишидир. Ушбу жараёнлар асосида маълум тавсифдаги эҳтиёжларни қондириш имкониятларини берувчи хусусиятлар ётади. Таълим тизимининг рақобатбардошлилиги уларни бошқа шу турдаги хизматларга қиёсий таққослаш асосида аниқланади.

2019 йилнинг апрель ҳолатига кўра, республикада 99 та олий таълим муассасаси ва филиаллари, жумладан, 24 та университет, 33 та институт, 2 та академия, 1 та консерватория, 1 та олий маҳорат мактаби, 24 та маҳаллий олий таълим муассасалари филиаллари ва 14 та хорижий олий таълим муассасалари фаолият кўрсатди⁵. Ушбу кўрсаткич 1991 йилда 46 таниташкилэтган.(1-

⁵www.edu.uz

жадвал). Демак, мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларисони 53 тага ортиди.

Ўзбекистонда 2018/2019 ўқув йилида талабалар сони 337,9 минг нафарни ташкил этди ва ушбу кўрсаткич 1991/1992 ўқув йилидаги кўрсаткичга тенглашди. Умуман, талабалар сони мустақилликнинг дастлабки 10 йиллигида 54,4%га қисқарди. Кейинги 10 йилликда эса талабалар сони 50%га ортиди. 2010-2018 йилларда мамлакатимизда талабалар сони 63,4 мингга (123,1%) ошди ва мустақилликнинг дастлабки йилидаги кўрсаткичга етди (1-жадвал).

2018 йилда Ўзбекистонда 10 минг кишига тўғри келадиган талабалар сони 91,2 тани ташкил этди. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 1991 йилда 162,8 тага тенг бўлган эди. Мустақиллик йилларида республикада 10 минг кишига тўғри келадиган талабалар сони 71,6 тага қисқарди. Бироқ, Қорақалпоғистон Республикасида 10 минг аҳолига тўғри келадиган талабалар сони 27,9 тага ортиди. Бундай ҳолатни Жиззах (9,3 та), Навоий (35,4 та) ва Хоразм (13 та) вилоятларида кузатиш мумкин. Қолган барча минтақаларда 10 минг аҳолига тўғри келадиган талабалар сони қисқарди.

1-жадвал

Олий таълим муассасалари сони ва талабаларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши [12]

Ҳудудлар	ОТМ сони, бирликда		Талаба сони, минг		10000 аҳолига нисбатан талаба сонини	
	1991/ 1992 ў/й.	2018/ 2019 ў/й.	1991/ 1992 ў/й.	2018/ 2019 ў/й.	1991/ 1992 ў/й.	2018/ 2019 ў/й.
Ўзбекистон	46	99	337,4	337,9	162,8	91,2
Қорақалпоғистон Республикаси	2	9	9,9	22,1	77,7	105,6
Вилоятлар:						
Андижон	4	4	17,7	20,6	98,6	63,7
Бухоро	2	4	15,0	17,7	125,0	85,2
Жиззах	1	2	6,8	14,7	85,3	94,6
Қашқадарё	1	3	10,0	14,7	58,9	50,5
Навоий	0	2	4,5	11,7	65,7	101,1
Наманган	1	3	11,0	15,6	70,6	49,3
Самарқанд	6	8	40,0	32,9	181,0	78,3
Сурхондарё	1	6	7,8	14,4	58,4	36,9
Сирдарё	1	1	6,2	6,2	110,2	56,5
Тошкент	2	5	17,1	16,5	79,7	28,3
Фарғона	3	7	21,5	26,7	96,5	59,3
Хоразм	1	3	4,8	13,2	44,9	57,9

Тошкент ш.	21	42	165,4	110,9	769,7	462,1
------------	----	----	-------	-------	-------	-------

Умуман, мустақиллик йилларида талабалар сонининг қисқаришига қўйидаги омиллар таъсир этди: олий таълим муассасаларига қабул сонининг қисқариши, сиртки ва кечки таълим шаклининг тугатилиши, алоҳида мутахассисликларга қатъий қабул сонининг белгилаб қўйилиши, таълимнинг тўлов контракт шакли, таълим жараёнининг етарлича эгилувчан эмаслиги ва ҳ.к.лар.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2018/2019 ўқув йилида бакалавр йўналиши талабаларининг 43,8 фоизи (магистрларнинг 34,9%) гуманитар соҳада, 28 фоизи (магистрларнинг 19,8%) ишлаб чиқариш ва техника соҳасида, 5,6 фоизи (магистрларнинг 2,7%) хизмат кўрсатиш соҳасида, 10,7 фоизи (магистрларнинг 19,8%) ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқ соҳаларида, 7,4фоизи (4,9%) қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида, 4,4 фоизи (магистрларнинг 16,0%) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳалари бўйича таълим олмақдалар[6]. Демак, республикада тайёрланаётган юқори малакали мутахассисларнинг 63 фоизи гуманитар, ишлаб чиқариш ва техника соҳалари бўйича тайёрланмоқда.

Мавжуд олий таълим муассасаларида 25107 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Профессор-ўқитувчилар таркибида фан докторлари сони 1470 нафарни, фан номзодлари эса 6011 тани ташкил этди [7]. Олий таълим тизимидаги илмий салоҳият 29,8%га тенг. Ушбу кўрсаткич тараққий этган мамлакатларга нисбатан жуда паст даражада.

ХУЛОСАВАТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтилганда, олий таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб рақобатбардошлигини ошириш мақсадида таълим сифатини ошириш, мутахассислик фанлари ҳамда талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёт соатларини кўпайтириш учун тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёнини яхшилашда сифатли дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишга эътиборни кучайтириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш таълим бериш сифатини ошишига ва ўқитишни ташкил этиш жараёнини яхшилашга хизмат қилади.

Таълим сифатини оширишда профессор-ўқитувчилар таркибини даражаларга бўлиш, даражаларга бўлишда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг билимини, педагогик кўникмасини ҳамда илмий тадқиқот ишларида ва янги адабиётлар яратишдаги ўрнини ҳисобга олиш, умуман, профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобат муҳитини юзага келтириш зарур. Профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш асосида ўқитувчиларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш асосида таълим сифатини кескин яхшилаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Lange Clenn-Marie, Quentin Wodon and Kevin careyeds/ 2018/ The changing Wealth of nations 2018. Bulding a sustainable Future Washington, DC World Bank. Doc. 10.1596/978-1-4648-1046-6 P8.
2. Fisbein, Ariel va Dena Ringold “Benchmarking thr Governance of Tertiary Education Systems.” Washington DC: The World Bank 2012; Weber, Luc, J.Dudestatdt “Universty Research for Innovatio.” London: Economica 2010
3. Капустин Е.И. Сфера обслуживания при социализме—Е.И.Капустин- М.: «Мысль», 1968.-.203с.; Капалюшников Р.И. Российский рынок труда: адаптация без реструктуризации-М.:ГУВШЭ,2001.-С.78-82.; Рутгайзер В.М. Ресурсы развития непроизводственной сферы—В.М.Рутгайзер- М., «Мысль»,1975-229с.; Правдин Д.И. Развитие непроизводственной сферы при социализме—М., «Экономика»,1976-158с.; Носков В.А. Высшая школа в системе общественного воспроизводства. Автореферат. Дис. на соис уч. степ.д.э.н. Кострома – 2003. 38с.
4. Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва унитак миллаштириш: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати -Т.: 2004. 45б.; А.Вахабов, Э.Имамов Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. М. 2007. 214с.; Алимджанов Х.Г. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрглаш миллий дастури ва уни молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган ...дис. автореферати-Т.:, 2004. 23 б.; Кальметов Б.Д. Образовательный комплекс в рыночной экономике.- Тошкент: Адолат, 2003. 499с.; Касимова Г. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сийсатининг роли: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати.-Т.: 2001-25б.; Кучаров А.С.
5. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларитўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил. Тошкент.
6. Геворкян Е.Н., Матова Г.Н. Болонский процесс и сотрудничество в области обеспечения качества образования: опыт Российской Федерации. //Вопросы образования, №4, 2004. С. 150-165.
7. Узбекистан в цифрах 1991, Стат.сборник, Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги банк маълумотлари
8. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати. 2018. Тошкент.2019.

9. Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари статистик тўплами (2017/2018 ўқув йили) маълумотлари асосида тузилган. Тошкент. 2018.

Интернетсайтлари:

1. www.edu.uz
2. www.prezident.uz
3. lex.uz/ru/docs/3913188?otherlang
4. www.edu.uz
5. <https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/1028315311398046>